

“Ҳаж 2019” ишчи гуруҳи раҳбарининг мақоласи Саудиянинг “Билади” нашрида чоп этилди



09:41 / 14.08.2019 1470

Мақола “Ҳаж — 2019” мавсумида Ўзбекистон ҳожиларга яратилган шарт-шароитлар бўйича Малайзия, Индонезия, Туркия сингари ҳаж ибодатини юқори даражада ташкил этадиган биринчи бешталик давлатлар қаторидан жой олгани, Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги томонидан Ўзбекистон илк бора ушбу рўйхатга киритилгани ҳақидаги хушxabар билан бошланади. Бу ҳақда

Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Бундай юксак эътироф замирида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, диний-маърифий соҳада олиб борилётган эзгу ташаббуслар ётгани алоҳида таъкидланади. Ҳамда мазкур сафар бевосита Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра вазирлиги билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ўзаро келишув асосида, тизимли ва

тартибли равишда ташкил этилаётгани ҳам муваффақият ва ютуқларнинг асосий гарови бўлаётгани келтирилади.

Мақолада бу йил “Ҳаж-2019” мавсумида зиёратчилар учун хизматлар сифати оширилиб, нархлар арзонлаштирилгани, бу ўз навбатида, Ўзбекистонда халқни рози қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатнинг самараси экани айтилади.

Шунингдек, мақолада ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш масалалари йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани, айниқса, ҳаж сафарига отланганлар Ватанда бўлиб турган пайтларидаёқ ўзларини улуғ ибодатга ҳам маънан, ҳам руҳан тайёрлаб, хайрли ташаббуслар билан чиқишаётгани, ўз ихтиёрлари билан ижтимоий кўмакка муҳтож шахслар, кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам кўрсатаётганлари зикр қилинади.

Мақолада ўзбекистонлик ҳожилар давлат кўмагини ҳар қадамда ҳис этаётгани, ҳаж амалларини тўлиқ бажаришлари учун зарур барча шарт-шароит муҳайё қилингани, уларга ўзбекистонлик 35 нафар кишидан иборат ишчи гуруҳи, 140 нафар гуруҳ раҳбари, 35 нафар шифокор ва 15 нафар ошпаз яқиндан кўмак беришаётганидан жуда мамнун эканликлари алоҳида қайд этилади.

Мақола сўнгида тараққиётнинг янги даврида давлат раҳбари томонидан динимиз арконларини адо этиш учун улкан шарт-шароитлар яратиб берилаётгани халқимизга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси экани, Ҳожилар мана шундай юксак эътиборга мос равишда ҳаж ибодатини адо этиб, Ватанга қайтгач, шахсий ҳаётда, ижтимоий фаолиятда бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатиши, бор куч-ғайратларини савоб ишларга сарфлаши, эзгу амаллар ва хайрли ишларда пешқадам бўлишлари келтирилади.

Islom.uz портали таҳририяти